



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 15 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (13.499)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЖОДИЙ УЮШМАЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҶА ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари феолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, rassomлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳарларда барпо этиладиган кўп квартиралли арзон уйлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган арзон уй-жойларга муҳтож фуқаролар рўйхатини белгиланган тартибда шакллантиришда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари ва ходимлари, жумладан, ушбу соҳалардаги истеъдодли ва истиқболли ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи инобатга олинсин.

2. Қуйидагилар:
илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари – 1-иловага мувофиқ;

оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажаргани учун, хайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан тўланганида унинг энг юқори ставкалари – 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгиларини муомалаларда чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнот қўринишидаги янги пул белгиларини муомалаларда чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 х 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қорғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидан кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "50000" рақами қўринишида суя белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қорғоз қатламида "Дарча" ва "3Д" эффектли юзага чиқиб, ичкарига бутунчи ани 4 мм. бўлган ҳимоя ипи ўтказилган.

Банкнот олд томонининг марказида Муостақиллик майдонидаги "Эзгулик" аркаси тепасидаги парвозга шайланган лойиҳалар тасвирланган.

Чап юқори қисмида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд. Ушбу матн "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси тақрирланувчи микроматли чиқиқ билан ажратилган.

Микроматли чиқиқ остида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" матни акс этган.

Матн остида тўқ ашил рангдаги Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Банкнот чап тарафидан пастки қисмида 50000 рақами ва "ELLIK MING SO'M" ёзуви мавжуд бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Юқоридаги барча тасвирлар ва ёзувлар бўртиб туради, ушлаб қўрилганда сезилади.

Марказда Ўзбекистон Республикасининг ҳошияланган хартиси жойлашган бўлиб, унинг фони "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" сўз бирикмаси тақрирланувчи микроматли қўринишида ишланган.

Чап тараф пастки қисмидаги ва оқ рангли сатҳда жойлашган "50000" рақамлари тепасида еттига рақамли нөме-

ри билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмидаги махсус белги арка тасвири қўринишида бўлиб, ёруғликка қаратилганда арканинг ранги банкнот орқа томонидagi рангли фон билан тўлдирилади.

Арканинг остида банкнот чикарилган йил "2017" кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг пастки қисмида кўриш бурчагига қараб рангини бронза рангидан ашил ранга ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган бўртиб турувчи "50000" рақами мавжуд.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда суя белгилари қўринида. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори қисмида арка тасвири мавжуд бўлиб, ёруғликка қўрилганда банкнот олд қисмидаги тасвир билан бир-бирини тўлдирди.

Банкнотнинг марказида "ANJUMANLAR SAROYI" меъморий биноси тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагиди бир-бирини кесиб ўтувчи "50000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "ELLIK MING" кўрсатилган.

Шунингдек, банкнот қиймати "50000" қўринишида юқори ўнг ва пастки чап бурчаларда акс эттирилган.

Ости фон нафис чизиклар қўлланилган ҳолда ишланган миллий нақшшкор безаклар ва бўртиб тургандек таассурот уйғотувчи банкнот қиймати қўринишидаги рақамли тасвирлардан иборат.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHITIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" матни жойлашган.

Муомалаларда чиқарилаётган қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари, ани пайтда муомалаларда бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чековларсиз қабул қилиниши шарт.

ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олмалиқ шаҳрига ташрифи шаҳар аҳолисига кўтаринки кайфият бахш этди

Ватанимиз тупроғининг ҳар зарраси зарга тенг. Зеро, бу замин – чўлдан боғу бўстон яратиб фаровонлигимизни таъминлаётган, машҳур Менделеев жадвалидаги элементларнинг қарийб барчасини замонлар оша ўз қаърида асраганча бугун бизга тортиқ этаётган муқаддас диёрдир. Нафақат таъми дунёнинг бошқа ҳеч бир ҳудудида учрамайдиган сархил мева-сабзавоту полиз маҳсулотлари, балки ноёб маъданлари ҳам ўзининг олий сифати билан халқаро эталон даражасида эътироф этиладиган шундай замин яна қайда бор?! Энг муҳим ҳақиқат шуки, бу неъматлар одамларнинг бугунидан рози бўлиб ҳаёт кечириши, эртанги кунга катта ишонч билан яшаши учун восита бўлишини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор мезонига айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шаҳарга ташрифи доирасида бўлиб ўтган учрашуларда, хусусан, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи" лойиҳаси бўйича ишлар бошланишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Олмалиқни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли фаровон турмуш кечириши учун янада қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Аини пайтда давлатимиз раҳбари бу каби конларни ўзлаштиришда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида биринчи марта ўз кучи ва салоҳиятига таяниб иш бошлаганини таъкидлади. Президентимизнинг ташриф давомида билдирган фикрлари, шаҳарни янада обод қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш борасидаги тақлифлари нафақат мутахассисларда, балки кенг жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Тўй – маънавиятимиз кўзгуси

Энди ФХДЭ бўлими мудираси илгаригидек фақат никоҳни расмийлаштириш билангина экланиб қолмайди. Бундан буён ФХДЭ биносининг ўзиди 200 кишилиқ тўй ўтказадиган жой бўлади. Тўйда қанча санъаткор иштирок этади, дастурхонга қандай ноз-неъмат тортилади, қанча сарф-харажат қилинади – ҳаммаси тўй эгасига олдиндан билдирилади. Профилактика инспектори тўйнинг тартибли ўтишини назорат қилади.

Президентимизнинг тўйларимиздаги ортиқча дабдабаозликка барҳам бериш борасидаги ушбу хайрли ташаббуси халқимизнинг аини кўнглидаги гап бўлгани учун ҳам барчани тўлқинлантириб юборди. Бу борада кўри-

ладиган чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларнинг ҳаётга, оилага муносабатини ўзгартириш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Ҳозирги тўйлардаги исрофгарчиликларни кузата туриб, маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудийнинг "Бизни кемиргувчи иллатлар" деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур...", деган гапларини тез-тез эслаيمان. Бунчи қарангки, орадан бир асрдан зиёдрок вақт ўтса ҳамки, биз бу иллатдан қутула олмаямиз, – дейди Ўзбекистон Қўрамони Жонсаид Турдиев. – Лекин ҳамма иллатнинг илдизи одамлар орасида мен сендан камми, деган қараш пайдо бўлиб, тўйларимиз кимўзар-

га айланиб кетганида эканини ўйламаймиз. Президентимизнинг шахримиз ёшлари, жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги маърузасини бутун маҳалла аҳли бир жойда йигилиб телевизорда кўрдик. Давлатимиз раҳбари "Оилавий маросимларни тартиб-интизом билан ўтказишга энди адлия идоралари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъул бўлади. Маҳаллалардаги кам таъминланган аҳолининг тўйларини ўтказишга қўмаклашилади", деганларида одамлар қувончдан қарсақ қилиб юборди. Тўйларнинг бундан сўнг жамоатчилик назоратида бўлиши оилавий маросимлар миллий қадриятларимиз асосида тартибли, ихчам ва камхарж ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон – Жанубий Корея:

АКТ СОҶАСИДАГИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида очик дастурий маҳсулотларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея форуми бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг ахборот технологиялари соаноатини ривожлантириш миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманида ахборот технологиялари ва очик кодли дастурий таъминот яратувчи компаниялар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров, Корея Республикаси Ахборот технологиялари ва фаол ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Бойси иқтисодий барқарорликка жамиятнинг турли жабхалари ва иқтисодиёт тармоқларига рақамли технологияларни жорий этмасдан туриб эришиб бўлмайди. Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастурий таъминот соҳасида янги даврни бошлаб берди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида иқтисодиётнинг юқори

технологик тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Бойси иқтисодий барқарорликка жамиятнинг турли жабхалари ва иқтисодиёт тармоқларига рақамли технологияларни жорий этмасдан туриб эришиб бўлмайди. Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастурий таъминот соҳасида янги даврни бошлаб берди.

– Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси такомиллашиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошаётгани, янги технологиялар жорий этилаётгани қувонarli, – дейди Ким Тэ Юл. – Ҳамкорлигимиз доирасида Ўзбекистоннинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, "Электрон ҳукумат" тизимини ахборотлаштиришда илғор тажрибаларни таҳлил этиб, дастурий таъминот тизимини ривожлантиришга қўмаклашиш кўзда тутилган.

Форумда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўналишида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда дастурий маҳсулотлар бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётнинг турли жабхаларида янада кенгрок татбиқ этиш ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

У.ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Аввал хабар қилинганидек, куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йигирма олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Унда Тошкент шаҳар судларининг 2017 йил биринчи ярим йилдаги фаолияти, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан оилавий бизнесни ривожлантиришга кредит ажратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг ижроси, маҳаллий бюджетининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йил биринчи ва иккинчи чорадаги ижроси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг тўғригидаги ўрганиш натижалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бошқа қатор масалалар кўриб чиқилди.

(Давоми 3-бетда)

